



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат


ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 4 июнь
Сотувда эркин нархда
№ 117 (2945)

Хайр, Бухоро! Салом, Самарқанд!



«Универсиада-2002» спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими ёшларнинг катта байрамига айланди

кўпайди. Талбир баҳонасида вилоятда кўплаб ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу нарсани халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз ҳам эътироф этдилар: «Мана, сизларга кўшни бўлган Бухоро вилоятини олайлик, у ерда кейинги йилларда қандай замонавий ва муҳташам спорт мажмуалари бунёд этилганини универсиада ўйинлари орқали кўридик. Энг муҳими, ҳамма гап бу масалага жиддий эътибор беришда, ташаббусга ташаббус қўшиб, одамларни эзгу ишларга сафарбар эта билишда».

Спорт инсоннинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолотта эришишида ҳам улкан омилдир. У иродани тоблайди, одамни аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгиб ўтишга ўргатади. Ёшлар қалбида галабага ишонч, гурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, қадимий Бухоро шарифидан бир ҳафта давомида ўтказилган «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг мамлакат ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутганини ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳождати бўлмас керак.



Фақат бир нарсани таъкидлаш жоиз: 2000 йил Наманганда ташкил этилган биринчи универсиадада 1778 нафар талаба спортнинг 9 тури бўйича баҳсларда қатнашган бўлса, бу йилги беллашувлар дастурига сузиш, кўри тули, дэю-до ҳам киритилди. Ва иштирокчилар сони 2368 нафарга етди. Жамоалар сони 3 тага

«Универсиада-2002» тусубоқаларининг сўнггида шаҳарнинг марказий стадионда Спорт шоншарафи музейи очилди. Бу ерга республика иккинчи талабалар мусобақалари меҳмонлари, олий ўқув юрталари ректорлари, мамлакатимизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари жам бўлишди. Ёш авлодди ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифадан биридир. Ўзбекистонда Президент Исрол Каримов ташаббуси билан ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спортга жалб қилишнинг уч босқичли

рекордлар ўрнатишди. Республикаимиз спортчилари, шунингдек, Олимпия ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб равишда ҳимоя қила олган. Янги музей экспозицияси давлатимиз раҳбари Исрол Каримовнинг «Универсиада-2002» спорт мусобақалари қатнашчиларига йўллаган табриги матни билан бошланади. Стендаларда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод»

ўйинлари ва Универсиадаларнинг ўтказилиши ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар бор. Музейнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, республика Бош вазирининг ўринбосари Х.Каримов, Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов иштирок этди.

«Универсиада-2002» тусубоқаларини астойдил кузатган киши нафақат сон, балки сифат ўзгаришларини сезиши қийин эмас. Чунки бу талбир уч босқичли узлуксиз тизимнинг юқори поғонасидир. Спорт илк бор мактабда ўқувчининг кундалик эҳтиёжига айланса, академик лицей ва касб-хунар коллежида унинг ажралмас ҳамроҳи бўлиб қолади. Университет ва институтда эса бу ҳамроҳ уни нуфузли халқаро турнирларга олиб чиқади. Яна бир муҳим томонини, бу тизимда спортнинг маълум тури билан ошно тутганини йигит-қиз уни бўлажак оидасида, меҳнат жамоаларида ҳам давом эттиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



Узоқни яқин қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Республика «Матнавийят» маркази билан ҳамкорликда «Давлатимиз раъмзлари» китобини нашрдан чиқарди.

ДАВЛАТИМИЗ РАЪМЗЛАРИ

Юртбошимиз: «Миллий тимсоллар ва раъмзларнинг ҳар бири миллий гуруримизни юксалтиришда хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарсдик, кучли тарбия воситасидир», деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат раъмзлари Батан тимсоллари сифатида ҳамisha азиз ва муқаддас саналган. Уларда халқнинг тарихи, бутуни ва келажаги ўз ифодасини топган. Аслида раъмзлар ва тимсоллар ҳамма вақт ҳам миллий гурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим воситалар ҳисобланиб келган.



БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗАДА

Мамлакатимизда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланди. Пойтахтимизнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида ана шу санага бағишланган таъбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда ошаник ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида фаолият кўрсатаётган муассасалар, БМТ, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري ўринбосари Д.Ғуломов юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида қўллаб-қувватлов ишлар, хусусан, «Соғлом авлод» Давлат дастури иттиҳоридан ташқари, қўллаб-қувватлов ишларини алоҳида таъкидлади. Анжуманда БМТнинг Нью-Йоркда шу йил 8-10 май кунлари ўтказилган махсус сессияси ва Женевада Болалар ҳуқуқлари конвенциясининг бажарилиши бўйича бўлиб ўтган Вилкинг ёзувлари ҳам муҳофиза этилди.

Хулқор СОДИҚОВА, ЎЗА мухбири.

БУХОРО СПОРТ ШОНШАРАФИ МУЗЕЙИ

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада унинг таркибий қисмларига айланди. «Универсиада-2002» ҳақиқий ёшлик, гузаллик ва спорт байрами бўлиди. Республикаимиз аҳли мусобақаларни диққат билан кузатиши, Универсиададан дастлабки босқичларидан юз минглаб талаба ёшлар иштирок этди. Мусобақалар давомида ёшларимиз ўз кучи ва маҳоратини намойиш этар экан, қатор

РИМ ТОШКЕНТА ЯҚИНРОҚ БЎЛАДИ

компания қоллари қўйилди. Бунга «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг самолётлари Римга ҳафтада бир марта парвоз қиларди. Янги битим орқали «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Италия, Испания ва Франциядан ҳам йўловчи жалб қилиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, «Al-Italia» «SkyTeam» халқаро альянсининг аъзоси бўлиб, унга «AeroMexico» (Мексика), «Air France» (Франция), «Delta Airlines» (АҚШ), «Korean Air» (Жанубий Корея) каби дунёнинг етакчи авиакомпаниялари кирди. «Al-Italia» учун эса мазкур битим Марказий Осиё ҳаво ҳатновлари бозорига кириш имконини беради.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» дан маълум қилишларига, келгусида Тошкент-Милан-Тошкент йўналишида ҳам парвозларни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Элмурод ЮНУСОВ, ЎЗА мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПИЛАСИ

Қорақалпоғистонлик пиласкорлар қабул пунктларида 562 тонна сифатли ҳосил топишди, бу борада тайёрлов идоралари билан тузилган шартномаларни ортиги билан бажарди. Ҳар қутти ипак қуртидан олинган ҳосил ўртача 46 килограммдан ошди. Ипак қуртини пленка остида парваришлаган пиласкорлар эса ҳар қутти урудан 60-65 килограмм қимматли санат ҳошаси олади. Умумий ҳирмонда Амурдарё, Туртқул, Эллиққалъа туманлари пиласкорларининг ҳиссаси салмоқли бўлди.

Пилла топишириш давом этмоқда. Ҳисоб-китоблар ялпи ҳирмонни 700 тоннага етказиш имконияти борлигини кўрсатмоқда.

А.ОРТИҚБОВ, ЎЗА мухбири.

АЛЛО, СИЗНИ ВАЗИР ЭШИТАДИ!

Мухтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари! Шу йил 7 июнь куни соат 10.00 дан 12.00 гача Сизлар учун Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазيري Оқилжон ОБИДОВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказилди. Агар Сизни мамлакатимиз Президентининг «Аҳолининг иқтисодий ҳимоята муҳтож қатламларини аниқ йўналтиришда тарзда қўллаб-қувватловчи кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда ҳукуматнинг шу борадаги қарори қандай бажарилаётганини қизиқтирсан, умуман иқтисодий ҳимоя бўйича шахсан вазирдан жавоб олмақчи бўлсангиз, уша куни кундаги рақамли телефонларга қўнғирок қилинг: (8-371) 139-41-13, 139-41-24.

Мабодо вазирга берилмак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш қушлари соат 10.00 дан кеч соат 18.00 гача бевосита тахририятимизга факс орқали (8-371-133-09-85) йўлланганин ёки (8-371) 132-10-65, 133-38-01 рақамли телефон орқали баён этишингиз мумкин. БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТИ

Олдий қишлоқ ҳаёти кўпчиликка таниш. Ким билан сўзлашсангиз, ҳамма гапдан воқиф. Телевизордаги «Ахборот»ни қанда қилмай кўришди. Гоҳида давраларда олдий қишлоқнинг саволига жавоб тополмай қўйналмасиз? Катта-кичик раҳбарларнинг фаолиятига тўғри, оқилона баҳо берганини эшитиб, ич-ичингиздан қувонасиз. Тараққиётимиз тўғрисида қандайдир соддагина тушуниришни уйга толдирди. Тафаккурингиз ўзагани шу-да. Холисона айтганда, кимнинг кимлиги ҳаммага аён.

Баян бошиқнинг устидан нолишларга дуч келасиз. Гоҳида унинг акси, раҳбарнинг фақат яхши фазилатларини таърифлашдан чарчашмайди. «Йў-е, унчалик эмас!» десангиз ҳам фикрдан қайтарилмайсиз. Айримлар эса раҳбарнинг бўшлиғи, елиб-югурмаслиги, гоҳида нолийк кимсалар мансаб курсида утириганини рўйроқ айтишди, мисоллар келтиришди. Жиндай ўйланса, фикрларининг ҳақиқати имон келтирасиз. Ахир, раҳбарга қўл нарсга болғиқлигини ким билмайди, дейсиз. Удлабурон, тадбиркор, ташаббускор раҳбар ҳақида ҳеч қачон ноурин гап эшитмайсиз. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз нутқини тингларканман, йуш қўйилган камчиликларнинг ҳаммаси баъзи мансабдорларнинг лоқайлиги, субутизлиги, ваъитини баҳолдай билмаслиги, одамларни эргаштириш қобилияти йўқлиги, бир сўз билан айтганда, ўз бурчинини ҳис эти билмаслик оқибати, деган хулосага келдим. Президентимизнинг «пахта этиштириш шартномасини ба-

УЙҒОҚЛИК, ФИДОЙИЛИК, ЮРТПАРВАРЛИК

халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида туғилган ўйлар

рўйсизлантиришга хизмат қилаётганидан қўз юмиб бўлмайди. Президентнинг нутқидаги ушбу сўзларга эътибор беринг: «Утган йили вилоятда кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олиш, уларга ер майдонлари ажратиш ва тикорат банклари томонидан кредит бериш масаласи ўрганилганда 13 миңдан зиёд ҳолатда амалга қонун бузилишлари содир этилгани аниқланган». Айтгинчи, бу уша «чертиб-чертиб» танланган мансаб курсиданлигининг иши эмасми? Агар раҳбар замонавий, бир сўз билан, ислохотларга садоқатли бўлса, булоқ қўз очаверди. Навоийликларнинг ҳам мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳиссаси қўшилаверди. Бунинг учун, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Халқимизни олижаноб, ҳар томонлама хайрли таъбибулларга бошлов учун фақатгина битта нарсга керак. У ҳам бўлса, раҳбарларнинг, етакчиларнинг ўлганлиги, юртимизни обод этиш, турмушимизни оқилона бўлса ҳам энди қилиш учун фидойилик кўрсатиши, жон қўйишлари керак».

Демак, утган кунлардаги хатолардан хулоса чиқара олиш ҳам раҳбарга хос фазилат. Сессияда таъкидланган ҳар бир фикр қалбда ўрнашган тақдирдагина жиддий ўзгаришларни кутиш мумкин. Президентимиз имконият қилтирлар ўзимизда эканлигини яна бир бор эслати. Агарки, катта-кичик раҳбар ўз бурчинини қўлдан ҳис эти билса, уша қалит одамшумул ишлар эшигини очаверини аниқ.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ислохотлар самараси

Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодийни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири — бу деҳқоннинг ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотга эгаллик ҳиссини қарор топтиришдан иборат. Шу боис юртимизда мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан оқиб муҳим масалага алоҳида эътибор берилди. Хусусан, аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшаш инobatга олиниб, жойларда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Тармоқни тубдан ўзгартиришга қаратилган махсус давлат дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур эса «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар билан ҳуқуқий жиҳатдан мустақилланди.

ЭГАЛИК ҲИССИ

Омилкорликни ошириб, харажатни камайтиради

Ушбу амалий чора-тадбирлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида хусусий секторнинг юзага келиши ва ялли умумий ишлаб чиқаришда унинг салмоқли ўрини эгаллашда асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан, уни қайта ишлаётган минглаб тадбиркорлар фаолияти шунақан далолат беради. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топган, унга бўлган эътибор кучайди, ҳосилдорлик бир неча баробар ортди. Биргина мисол. Қашқадарё вилояти хўжалиқларида ички хўжалик ҳисобини олиб бориш, харажатларни тек усу-

лида назорат қилиш мақсадида 230 минг донча чек дафтари тарқатилгани ижобий самара бермоқда. Вилоятда 34070 нафар оилавий пудратчининг ҳар бири алоҳида экин турлари бўйича чек ўрнатилган. Қарши туманидаги С.Раҳимов номли қишлоқ хўжалик ширкатининг оилавий пудратчиси Сафар Хайтов ўтган йили 20 гектар ерга галла экиб, шартномадаги 88 тонна ўрнига 114,5 тонна ҳосил етиштирди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 57,2 центнердан ошди. Натijaда иш ҳақидан 53 минг сўм, ўғитдан 68,5 минг сўм, иш ва хизматлардан 129 минг сўм, бошқа ҳа-

ражатлардан 24,5 минг сўм иқтисод қилиб, жами 275 минг сўм маблағни тежашга эришди. Шунингдек, пахтачилик ва бошқа экин турларини етиштиришда ҳам чек усули қўлланилган жойларда харажатлар ойма-ой ҳисоб-китоб қилиб борилаётгани тўғрисида қўлдан келтирилган маълумотларнинг сарфлашга йўл қўйилмапти. Буни Сирдарё вилоятининг Ҳўқотин туманида яшовчи миришор деҳқон Лапас Икромов фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. У 1995 йилда Бобур номли ширкат хўжалигида «Пахтакор» фермер хўжалигини ташкил эт-

ганди. Ўтган йиллар давомида 130 гектар ерининг 50 гектариде пахта, 40-45 гектариде галла, қолганда чорва озуқаси экинлари етиштириб, ўзаро шартнома режаларини доимо зиёласи билан бажариб келаётди. Ваҳоланки, ширкат хўжалиги шу давр мобайнида бирор марта ҳам давлат шартнома режаларини бажариб олгани йўқ. Тажрибали фермер эса юртимиз дастурининг бойитишдаги катта хизматлари учун «Ўзбекистонда иқтисод кўрсаткичи қишлоқ хўжалик ҳолими» фахрий унвонига сазовор бўлди. Шу тумандаги А.Тоиров номли хўжаликка эса ўтган

йили мавжуд пахта майдонларидан етиштирилган ҳосил 5 центнерга ҳам етмади. Йил катта зарар билан ақунланди. Ушбу хўжаликдаги Назар Тухтаев раҳбарлик қилган «Журакул ота» фермер хўжалигида, аксинча, юқори натижага эришилди. 2001 йилда фермер хўжалиги 50 гектар ердан 19 центнердан пахта, 44 гектар галла майдонидан 28 центнердан сара дон йиғиштириб олди. Боз устига, йил давомида хўжаликдаги нисбатан ёнгли ва ўғит анча кам сарфланди. Ҳар бир ишлаб чиқаришда эгаллик ҳиссининг масъулияти жуда катта. Шундай экан, фермер ва деҳқон хўжалиқлари, ижара ва ширкат хўжалиқлари, оилавий пудратчиларнинг тармоқ ривожланиши ўрни ортиб бораверади. Зеро, келажак ҳақиқий мулк эгалари қўллашди. Бугунги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган бошоқли дон экинларининг 18,5 фоизи ва пахта хомашесининг қарийб 22 фоизи фермер хўжалиқлари ҳиссасига тўлиб келаётганини ўзига мўлкорларнинг ўрни нечоғли катта эканлигини исботлаб турибди.

Усмон НУСУРОВ, Алишёр ҲАКБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси тинловчилари.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу тарзда иқтисодийни мустақиллаштириш ва борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Кейинги пайтда ишбилармонлар сони ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ошиб бораётганини фикримизнинг далилидир.



ТАДБИРКОРЛАР УЧУН САВДО КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги Бадий академиянинг Кўرғазмалар залида кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланаётган ишбилармонлар учун икки кунлик савдо кўрғазмаси бўлиб ўтди. Республика Тovar ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу кўрғазмада халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги мазкур соҳа эгалари учун минн техника ва технологиялар намойиш қилинди. Хорижда ва республикамизда тайёрлан-

ган замонавий ва сифатли маҳсулотларни кўриб, кишининг ҳаваси келади. Бундай тадбирлар жорий йилнинг ўтган ойида Бухоро, Термиз, Фарғона шаҳарлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг Элдикқалъа туманида ҳам бўлиб ўтган эди. Шу билан бирга, кўрғазма доирасида бошланғич сармояни шакллантириш, чет эл кредит линияларидан фойдаланиш ва бошқа масалалар бўйича семинарлар ҳам бўлиб ўтди. Биз кўрғазмада иштирок этган тадбиркорлардан бири билан сўбатлашдик.

— Тадбирда ўн хил тиббий асбоб-ускуналаримиз билан қатнашдик, — деди «Супромед» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбарининг ўринбосари Хусан Ҳамидов. — Тиббиёт соҳасида иш юритаётган тадбиркорлар Фарғонадаги кўрғазмада 30 миллион сўмлик, Элдикқалъа туманида эса 10 миллион сўмлик маҳсулотларимизни олиш истagini билдиришди. Бизга бундай имконият яратилганидан мамнунмиз.

Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ЯПОН ФУҚАРОЛАРИНИНГ МИННАТДОРЛИГИ

24-31 май кунлари мамлакатимизда Япония жамоатчилиги вакилларидан иборат дўстлик миссияси меҳмон бўлди

Ўздан зиёд кишини бирлаштирган ушбу делегация, асосан, Иккинчи жаҳон уруши даврида мамлакатимизга ҳарбий асир сифатида келтирилган япон фуқаролари, уларнинг қариноқлари, ўзбек заминидан абдий осойишта топган японияликларнинг авлодларидан ташкил топган эди. Бир ҳафта давомида меҳмонлар мамлакатимизнинг қатор вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, юртимизда дафн этилган ватандошларининг қабрларини зиёрат қилди, уларнинг хотирасига қўйилган ёдгорликларини очишти маросимларида иштирок этди. Бундай ёдгорликлар пойтахтимиз билан бир қаторда, Бекobod, Ангрэн, Янгийўл шаҳарларида ҳам очилди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари мамлакатимизга келтирилган японлар бу шаҳарлардаги саноат қорхоналари қурилишида меҳнат қилган. Шунингдек, Бухоро вилоятининг Когон, Фарғона вилоятининг Иқбоскан туманидаги Чувана ҳамда Жалоловқўқ туманидаги Жанубий Оламиник қишлоқларида ёдгорликлар очилди. Ташриф давомида меҳмонлар Самарқанд, Хива, Бухоро, Қўқон, Тошкент каби қадимий шаҳарларимизни томоша қилди. Ташкилдан жоняки, Япония делегацияси

аъзолари мазкур сафардан жуда мамнун эканлигини яширгани йўқ. Биз сўбатлашган меҳмонларнинг асарияти Ўзбекистонда илгари, советлар замонида ҳам, бир неча бор келганини, бироқ у пайтларда ватандошларнинг қабрларини зиёрат қилиш имконияти эга бўлмаганини айтди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган, давлатимиз раҳбари Исрол Каримовнинг узоқни қўлаб юритаётган оқилона сиёсати тўғрисида Япония фуқароларининг қабрларини ободонлаштириш ва хотирасини абдийлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратила бошлади. Ватанимизда дафн этилган японияликларнинг авлодлари эса яқинлаштириш ҳолини бемалол зиёрат қилиш имконига эга бўлди. Бунинг учун делегациянинг барча аъзолари Ўзбекистон халқи ва мамлакатимиз ҳукуматидан гоғт миннатдор эканини, мазкур сафар уларда юртимизга ҳурмат-эҳтиром ва меҳрин янада кўчайтирганини айтди.

Мулоқотлар чоғида бундай борди-келдилар ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустақкамлашга, айни вақтда мамлакатларимизнинг бошқа соҳаларида муносабатларини тагин ҳам чуқурлаштиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Бобур СОБИРОВ (ЎзА).

Савдо ишини ҳар ким қилиши керак

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куниде республика болалар полимиелит шифохонасида байрам тадбири ўтказилди. Байрам шодиёнасида болаларнинг Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан учрашуви ўтказилди. Эл ардоғидеги шоир болаларга ўзининг янги шеърларидан намуналарни ўқиб берди ҳамда бир қанча китобларни шифохона кутубхонасига ҳадя этди. Республика «Мавнавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан уюштирилган байрам тадбири сўнгиде Ўзбек давлат драма театри артистлари концерт дастурини ижро этди. Шу кунн мазкур шифохонанинг қайтадан таъмирланган 3-бўлимиде очишти маросими ҳам ўтказилди. Мазкур бўлим ҳимойилар дарамда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланиб, фойдаланишга топширилди.

Дилафуза ҚОСИМОВА.

Олтин олма, дуо ол

Термиз шаҳрида бир таниш бор. Уни Абдумуродов Жалил бобо дейишди. Ёши етмиш бешда. «Термизнон» ҳиссодорлик жамиятида борбон. Олти аҳойиб. Рупара келган танишига биринчи бўлиб салом беради, сўрашади. Бир самимий, бир содда. Яқинда аёли бандачиликни бажо келтирди. Кўнгли сўралди. Жалил бобо узоқ-узоқларга қараб олди. Чўқур нафас қайтарди. — Бир чарчагандай бўлдим лекин, оғам, — деди у нимани сўрамоқчи эканимни сезган бўлиб. — Жамоамиз одамлари қариндошларим қатори ёнимда туришди. Неки етишмовчилик бўлса, қараб туришгани йўқ, муҳайё қилишди. Бошини ташвиш тунгандан сўнг билар экансан, атрофини дағиларининг қимлигини. Гап бирон харж қилулик ё егулик нарасида эмас. Гап — эътиборда. Эътибордан қорининг тўйгандай, кўнглининг кемтикларни тўйгандай бўлади. Бу дунёда бекорга яшаматганини, яқка-ёлғиз эмаслигини англаб экансан. Ана, қуёш, — деб Жалил бобо омонга ишора қилди. — Қуёш — ягона, дейдилар. Одамнинг яйраб яшамоғи учун биргина кўёмининг ўзи ҳамлик қилади. Яхши, муруват-

пеша, меҳрини бировдан аямайдиган одам мисоли қуёшга ўхшайди. Йўқ, инсон меҳри қуёшдан ҳам зўр. Етмиш икки оламнинг, тирикликнинг қувватиниям, нажотим одам-эотининг бир-бирига меҳри-

тўқин, жамоамиз ризқ-насибаси бутун бўлмоғи учун, албатта. Ҳолматовнинг фикрини тунушим. Меҳр-оқибатлик хуруқ, ҳавойи гап эмас, балки тирикликнинг маънавий устундир. Ҳар қалай мен шундай, деб ўйламан. Ишдан, турмушдан ёлчиган одамлар, рўғорини қорхонасини обод қилган одамлар меҳр-оқибатли бўла билдилар. «Термизнон»да қарор топган аҳдликка ҳавас қилса арзийди. Шу қорхонада узоқ йиллар ишлаган, ҳозирда нафақага чиққан кексалар алоҳида эълозда. Бирон байрам ё туғилган кун бўлсин, қўшимча иш ўрни очатди. Беш хил янги маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйди. Соф фойдаланишнинг ўзи 15 миллион сўмин ташкил этди. Буларнинг ҳаммаси эл-юрт дастурхони янада

гиз, меҳр-оқибат ришталари ҳақида тўлиб-тошиб гапиршади. Қарияларни қардлаш йили муносабати билан шаҳарнинг «Наврўз», «Гарм», «Байналминвал», «Шўйжангал» маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйича нафақада бўлган отахон ва онахонларнинг рўйхати тузилди. Мақсад, табиийки, эл-юртта хизмати сингган инсонларни йўқлаб туриш, ҳол-аҳволдан хабардор бўлиш ва уларнинг дуосини олишдир. «Термизнон» фаолиятдан бунга ўхшаш ибратли мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Яхшилик қилган эмас, яхшилик қилган гапирсин, деган нақл бор. Қорхона жамоаси мақсатини билан кўра, меҳр-муруват кўрсатишни афзал билди. Шу боис шаҳардаги бир қатор мактаб ва спорт жамоаларидан, кексалар билан айрим ногиронлардан «Термизнон»даги саховатли инсонлар ҳақида иссиқноннинг ўзиндай ҳароратли гапларни бот-бот эшитиб қоласиз. Ва гаплар эртаниннг эгути ниятлари ва муштарак мақсадларига уйғунлашиб кетгандек. Ахир, кўннинг дуоси мустақаб, деб бекорга айтмайдилар-да. Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фармон ва ижро

Чамамда, бир минг тўққиз юз тўқсон саккизинчи йил эди. Ёзда Қашқадарёнинг Касби туманида бўлдим. Туман марказидан Хўжабайрон қишлоғига борадиган автобус бўш, унинг жўнашини беш-олти киши бир соатдан ортиқ кутдик. Ҳайдовчи жигибийрон бўлиб ўзича гудраниб кўярди. — Одам нега кам? — сўрадим ундан. — Кам эмас, одам кўп, бироқ хусусий машиналар кўпайиб кетди, тавба, улар билан на милициянинг, на бошқаларнинг иши бор?! — туюқиб кетди Ҳайдовчи. — Нега одамлар сизнинг автобусингизга чиқмай, кўпроқ хусусий машиналарга миниша-япти? — Улар арзон, тортишиб ўтирмай, йўловчининг берганини олиб кетишаверади. Менинг автобусим эса давлатники, плани бор, белгиланган йўл ҳақи бор, уни ўзимча камайтирол-

ларни амалга ошириш борасида қатъиятлик ва изчиллик билан иш олиб бориляпти. Ўзбекистонда бугунги кунда автотранспорт қай даражада ривожланиб кетганини, айниқса, йўловчилар ташинишнинг бугунги кўламини ва унинг халққа бераётган имкониятларини Тошкент «Отчопар»даги вазиандан ҳам биллш мумкин. Бу ерни савдо-сотик маркази эмас, балки йўловчиларга автотранспорт хизмати кўрсатадиган марказ десангиз ҳам бўлади. Ундан куну тун мамлакатимизнинг барча вилоятларига, шаҳар ва туман марказларига, ҳатто катта-катта қишлоқларига

вагонлар йўловчилар билан тўлмайди. Бу автотранспортнинг мўлғи, тезкорлиги, қўлайлиги ва арзонлигидан бўлса керак. Биргина Урганч шаҳрида Тошкентга автобуслар жўнайдиган бешта бекат бор. Ҳар биридан кунига саккиз-ўнтагача хусусий автобуслар жўнади. Бу — ҳар кунн бир неча минг йўловчи транспортнинг шу туридан фойдаланади, деган гап. Енгил транспорт воситалари ундан ҳам кўп. Сурхондарёнинг бирорта тоғли тумани йўқки, у Тошкентга тўғридан-тўғри хусусий автобуслар қатнови билан боғланмаган бўлсин. Тошкент «Отчопар»да ҳар кунн Сурхондарёнинг узоқ туманларига борадиган ўттиз-қирқтадан ортиқ автобуслар туради. Хоҳлаганингизга савдолашиб ва саралаб минасиз.

ХИЗМАТ — ХУСУСИЙ, МАЊФААТ — УМУМИЙ

майман-да, биродар!.. — Тушунарли, автотранспортда рақобат бошланди деғ? — Шундай, — деди Ҳайдовчи ҳафсаласи пир бўлиб. — Хали буниси ҳолвамиш. Эрта-индин хусусий автобуслар кўпайса, рақобатга бардош бериш қийин бўлади дейишяпти. Билмадик, уёғи нима бўлар экан?..

ҳам қўллаб турди автотранспорт воситалари жўнаб кетади. Хизмат — хусусий, яъни ўзингизга маъқул бўлган баҳода келишиб оласиз, манфаат эса умумий, яъни давлатга солиқ тўлашди, автотранспорт эгаси катта даромад олади, Ҳайдовчи яхши иш ҳақидан ва йўловчи арзон йўл ҳақидан мамнун бўлади. Ишонмасангиз, Тошкент «Отчопар»га боринг, кўринг, кузатинг, ҳавас қилинг, ҳеч иккиланмай йўлга отланг.

Корақалпоғистоннинг Туртқўл шаҳридамиш. Тошкентга жўнаб кетиш учун автобекатни ахтардим. — Бу ерда битта эмас, учта автобекат бор, сизга қайсиниси керак? — деди йўл бўйидаги дўкон сотувчиси. — Менга, барибир, Тошкентга борадиган юшқоқроқ автобус бўлса бўлди, — дедим. — Унда Аннаевларнинг бекатига боринг, Нуусдан келадиган катта йўлнинг бўйида, юз метр юриб, чағга бурилсангиз, автобуслар кўриниб туради.

Ҳайдовчи сўраб-сўриштириб менинги қимлигимни билгач, бирдан жонлиб кетди ва дардини тўқиб солди: — Ҳайронман, мана, сиз, журналистлар, милиция ходимлари, солиқчилар, бошқа назоратчилар давлатдан маош оласизлар, нега бизни, давлат автотранспорти ходимларини хусусий транспорт эгаларидан ҳимоя қилмайсизлар?! — Биродар, — дедим мен унга, — энди совет давридаги тартибни эслан чиқаринг. Энди қирақаш деган нарсга йўқ, ўша сиз айтган хусусий транспорт эгаси тадбиркор ҳисобланди, давлатга солиқ тўлайди. Шундай экан, у ҳам давлат ҳимоясида. Рақобат энди бошланди, ўзингиз айтганингиздек, бундан буён у кучайиб бораверади, энди бардош бериб, голиб чиқиб учун курашишдан бошқа иложингиз йўқ.

Катта йўл ёқасидаги очик майдонда янги «Мерседесу» «Сетрор»лар савлат тўқиб, қўёша яқриб турибди. Биттасига яқинлашганимни биланам, Ҳайдовчилардан иккитаси менга пешово чқди. — Ака, Тошкентми? — деди биттаси шоша-пиша. — Ҳа. — «Мерседесу»га ўтиринг, тўрт минта олиб кетаман. — Мен уч ярим минг сўмга олиб кетаман, «Сетрор»да мазза қиласиз? — деди иккинчи Ҳайдовчи. — Нега талашиб-тортишасизлар? — дедим уларга. — Рақобатлашмасак бўлмайди, автобус Тошкентга бўш кетмаслиги керак, — деди улардан бири. «Сетрор»га миндим. Ахир 1070 километрик йўлга уч ярим минг сўм ёмон эмас-да!

Автобус майини тебраниб тушди. Ҳайдовчининг тепасига маҳкамлаб урнатилган телевизорни ёқиб, видеокассета қўйишди. Хоразмча ёқими куй-қушиқ бутун салонга таралиб, йўловчиларга ҳузурбахш кайфият бағишлади. Сўнгра самарқандлик иккита машур қизқичнинг чиққиш кайфиятини яна ҳам кўтарди. Автобусни уч нафар Ҳайдовчи гама-гал Ҳайдар, улар ҳар уч-тўрт соатда тўхтаб, йўловчиларга тоза ҳавода ўн-ўн беш дақиқалик дам беради. Роппа-роса ўн уч соат деганда Тошкентга кириб келдик. Мен одамларнинг қўфаларига разм солдим ва бирортаси ҳам йўл азобини тортмаганига ишонч ҳосил қилдим. Улар узоқ йўлга мўлжалланган «Сетрор»нинг мукамаллигига тан беришиб, Ҳайдовчиларнинг намунали хизматларидан миннатдор эди.

Шундан бери орадан тўрт йил вақт ўтди. Уша пайтда давлат автотранспортининг Ҳайдовчилари енгил машиналар эгаларини рақобатчи биллиб, уларнинг «қирақашлик» фаолиятларидан норози бўлишган бўлса, бугунги кунда бешта-ўнталлаб хусусий автобуслари бўлган тадбиркорлар билан рақобатлашиб, уларнинг йўловчиларини уларига жалб этиб, катта даромад олишдаги тажрибаларига тан беришяпти. Айниқса, кейинги бир йилда мамлакатимизда автотранспорт соҳасида хусусий тадбиркорлик шу даражада авж олиб кетдики, бунинг самарасидан давлат ҳам, жамият ҳам, халқ ҳам манфаат кўрмоқда. Аслида бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 июндаги «Автомобиль транспорт соҳасида монополиядан чиқариш ва бош-

қарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони туртки беради. Фармонда автотранспорт йўловчилар ва юк ташини соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, автомобиль транспорт ташкилотлари ва қорхоналарини кенг хусусийлаштириш, хусусий автомобиль ташувчилар фаолияти соҳасини кенгайтириш, транспорт хизматлари бозорида мулкчиликнинг барча шаклларида автомобилда ташувчилар учун тенг шарт-шароитларни яратиш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланганди. Шу-нинг учун ҳам хусусий автотранспорт воситаларида йўловчилар ва юк ташини йўналишларини тендер асосида реализация қилиш механизми жорий этилиб, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташувчилар учун фуқаролик шарт-шароитлари яратилди. Газеталарда босилаётган эълонлардан ҳам кўри-ниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикаси Вази-рлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақлифлари асосида автомобилда йўловчиларни ташинишнинг халқаро ва вилоятлараро йўналишлари тасдиқланиб, уларга танлов асосида энг манқалаги Ҳайдовчилар қатнашини мумкин. Умуман, автомобилда ташувчилар фаолиятини лицензияланганини ташкил этиш устидан тегишли назорат ўрнатилган. Фарм сўз билан айтганда, Фармонда белгилаб берилган вазифа-



Иброҳим НОРМАТОВ, «Туркистон-пресс».

Янги аср таълими: изланиш ва самара

Бундан беш йил аввал Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган даъво қилувчи кўларда ижтимоий ислохотлар силсиласида катта аҳамиятга эга бўлиб...

ЮРАКДАН ТЎКИЛГАН НАҚШЛАР

— Биз бугун жаҳон нигониди турган аср Ватанимизни қадимий илмларини, эртанги имкониятларини билан янги тасаввур этамиз...

га бой, ҳаёлот дунёси кенг дизайнлар, модельерлар ўйлаб чиқарган-ку. Фақат улар Париж ёки Вашингтондаги каби диққатдорлар...

ки бичиқчи ё чизувчи эмас, жаҳон андозларидаги билдирим, ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлишини.

акойиб рассомларнинг кўпи илк сабоқларини бизда олишган. Академик Ортиқ Файзуллаев, амалий санъатнинг етук билдиримчи Маъмулжон Тўраев каби акойиб инсонлар...

ўзини, оиласини бойитишга бошқача мутахассис бўлиб қолмасин. Бугун қолган маконида иш юритаётган ўқув маска...



Шарҳловчи минбари

Ўтган аср охирида Болқон минтақасида кечган худудий мижозлардан четда қолмишга муваффақ бўлган Македониянинг бошига йигирма биринчи асрда шундай савдо тушиши мумкин...

КОСОВО ЯНА ТАЛАШ

Яқинда Косово парламентидаги албан миллатига мансуб депутатлар вилотианинг худудий яллитилиги тўғрисида резолюция қабул қилган эди.

Югославия ва Македония ўртасида имзоланган давлат чегаралари тўғрисидаги битимни тан олмайпти. Уларнинг фикрича, Косово худудининг ҳозир Македония таркибидида катта қисми аслида Югославияга тегишли.

кама чоғида мажлисни тарк этди. Косово депутатларини ҳатти-ҳаракатларига муносабат билдирар экан, Македония ҳукумати косо-волик қонун чиқарувчиларни кескин танқид қилди.

Фаолият вақтинча тўхтатилди

БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича агентлиги Афғонистоннинг Эрон билан чегаралаш бўлган Зарнаж шаҳридаги фаолиятини вақтинча тўхтатган. Агентлик расмий вакиллари хабар беришича, инсонпарварлик фаолиятининг тўхтатилишига бу ердаги қабилаларнинг ўзаро келишмовчиликлари сабаб бўлган.

Яна бир қурбон

Кеча эрталаб Ҳиндистон ва Покистон чегараларида юз берган отишмалар натижа-сида бир покистонлик ҳалок бўлган, икки нафари эса жараҳатланган. Бу ҳақда Покистон томони маълум қилган.

Тўқнашувлар давом этмоқда

Колумбия жанубидаги Донсельо шаҳар-часи яқинида "Колумбия революцион қуро-ли кучлари" кўзголичилари гуруҳига қарши жангарилар билан ҳукумат армияси ўртасида қуролли тўқнашувлар рўй берган.

58 та бомба топилди

Франциялик гаввос-мутахассислар Нор-мандия ороллари қирғоқлари яқинида то-пилган 58 та бомбани зарарсизлантириш-ган. Тахминларга кўра, 75 миллиметрли бомбалар Иккинчи жаҳон уруши давридан мерос қолган.

Сайловлар муддати аниқланди

Россия Федерацияси президентининг на-батдаги сайлови 2004 йилнинг 14 мартда бўлиб ўтади. Мамлакат Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешинков аяна шу ҳақда хабар тарқатган.

Белфастдаги тўқнашув

Белфастда юз берган католиклар ва протестантларнинг ўзаро қуролли тўқнашу-лари натижасида уч киши аралangan. По-лиция вакиллари маълумотига қараганда, би-ринчи бўлиб католиклар ўт очинган.

Ёнгин майдонлари кенгаймоқда

Россиянинг Ёқутистон республикаси ўрмонларини қамраб олган ёнгин майдон-лари тобора кенгайиб бормоқда. Фавқулодда вазиятларни бошқариш марказининг тар-қатган хабарига қараганда, айни пайтда ре-спубликада 48 та олов ўчоқлари мавжуд бўлиб, улар жами 49593,8 гектар майдонни қамраб олган.

Янги нашр

Мамлакатимизда яна бир илмий-оммабон нашр — «Илмий таҳлилий ахборот» ўз ўқувчи-ларини қўлига тегиши. Диншунослик назарияси, ислом тарихи, матбашунослигига оид илмий ва назарий мақолаларни ўз ичига олган ушбу ахборотнома Тошкент Ислам университети томонидан нашр этилди.

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

Ислам динига оид бой ва ноёб маданий- маъна-вий меросни чуқур ўрганиш, уни асраб-авайлаб, келажак авлодга етказиш ҳамда ушбу соҳада аҳолининг билим даражаси, диний савод-хонлигини ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу «Ахборот» илмий жамоатчиликка мўлжаллангандир.

нузул илми» сингари илмий мақолалари шулар жумласидандир. Шуниси муҳимики, ушбу ахборот-номада нашр этилган барча мақолаларда ислом манбаларида эътиқод эркинлиги, мазаҳаблар ва оқимлар, Қуръон ва ҳадис илмлари каби соҳа муаммолари диний-тарихий қўлёзма манба-лар асосида илмий таҳлил этилган.

Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.



Кимдир қўша-қўша иморати билан, кимдир илму урфони билан, яна кимдир ташаббускорлиги билан элдо ном чиқаради. Шаҳрихонлик Эркиной Дехқонова эса ўз тад-биркорлиги билан донг таратмақлардан. Ишчи туманидаги Байроқ қишлоғида оқдй тикувчиликдан бошлаган Эрки-ной буюмчи қўша каттагина тикувчилик иши раҳбарига айланди. Ёнида ўнлаб шогирдлари бор. Шогирдлари ора-сида қўшни туманларда яшовчи қиз ва аёллар ҳам та-лайдилари. Улар аҳолининг талаб-эҳтиёжларини ўрганган ҳолда хотин-қизлар, эркаклар ва болалар кийим-кечак-ларини тикмоқдалар. Келинлик бусоғасида турган қизлар эса улар тиккан келин либосларини кийган янада лато-фатли бўлишмоқда. СУРАТДА: тadbirkor Эркиной Дехқонова шогирдлари билан. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Орият доно» радиотўқна-шида

«Фонус» адабий-маърифий эшиттириши борарди. Ўзбекистон халқ артисти Аф-зал Рафиқов авлиё Зангиота ва у кишининг рафиқалари Анбар она ҳақида ибратли бир ҳикоя сўзлаб, юракларга йилмон нулларини тўқарди. Кутилмаганда эшиттириш узилди-ю, шовқин-суронли қўшиқ янгради.

Думбул қўшиқлар

риш керак экан-да. Қолавер-са, чинакам ошпик ҳеч қачон машхуқасига беқадар, беҳаё гаплар билан мурожаат қил-майди. То бизнинг тортишувимиз тугагунча иккинчи қўшиқ бошланди: Соч жингалак, қоши қора, Қўшлари денгиз, сўзлари бирим ширин Шарипов, ширин...

рита чорлайди, бўсалар ваъ-да қилади, ундан ўзгани се-волаётганидан зорланади. Бу мазмундаги қўшиқни бир кунда радиотўқнашувлардан 10-20 марта тинглаган ёшги-на қизлар қалбига «ишқий жасорат» тугилапти. Наҳот-ки, шундай «тезпишар», қўшиқ ва қўшиқчиларни на-зорат қилиб, ўзлик-қўшдиқ-лар танобини тортиб бўлма-са, Бозни қўшиқларини онла-да, ўғил-қизнинг даърасида тингашга уйласан: Маликам, кечалари Ёлғиз ётган маликам, Тўшақлари тошдай қотсан маликам...

TS TECHNOLOGY advertisement featuring a grid of images showing people using computers and mobile devices, with text describing their products and services.

ЭХТИРОМ



Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги ҳузуридаги "Қуриқлаш" бирлашмаси ва алоҳида милиция батальони "Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан соҳада ишлаб кетган ва айни пайтда қариллик гаштини сураётган отахон ва онахонларни бир пиёла чойга таклиф этдилар. Тадбир баҳона дийдорлашган собиқ сафдошлар бир-бирлари билан дилдан суҳбатлашдилар, ўтган йилларни ёлга одилар. Санъаткорларнинг дил тортар кўшиқлари, куй-рақслар уларни ёшлик йилларига қайтарган бўлса, раҳбариятнинг эътибори, иззат-хурмати уларни гоят хушнуд этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Table with exchange rates for various currencies: Австралия доллари, Англия фунт стерлинги, Дания кронаси, БАА дирхами, АКШ доллари, Миср фунти, Исландия кронаси, Канада доллари, Хонг конги, Малайзия ринггити, Поляна злотийи, СДР, Туркия лираси, Швейцария франки, ЕВРО, Жанубий Корея вони, Япония йенаси, Россия рубли, Украина гривнаси.

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муҳташам стадион. Чорлов мусиқаси замонавий қошага тўпланган 25 мингга яқин томошабинларнинг диққат эътиборини марказга қаратди. Рупарадаги бадий фонд кўна шаҳар қўрғонлари юз кўрсатди. Ҳаяжонли дақиқалар. "Универсиада-2002" голиблиги, Президент совғалари кимларга насиб этди экан. Сухандон овозини тинглаймиз: биринчи ўринни Тошкент-1 жамоаси қўлга киритди. Умумжамоа галабасига қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — "Дамас" автомобили ва биринчи даражали диплом Даават жисмоний тарбия институтини талабаларига берилди. Мукофотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Даават маслаҳатчиси Тухтапулат Рискиев ва Бухоро вилояти ҳокими Самойдин Хусенов топширдилар.

Мурасасиз баҳслардан кейин иккинчи ўринни Бухоро вилояти спортчилари эгаллашди. Президент совғаси бўлган "Дамас" автомобили ва иккинчи даражали дипломи Бош вазир ўринбосари Хамидулла Кароматов ҳамда Даават жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов Бухоро давлат университети ёшларига топширишди.

Учинчи ўрин ва яна бир "Дамас" автомобили Наманган вилояти вакил-



ларига насиб этди. Енгил машина қалити ва учинчи даражали диплом олий ва



ўрта махсус таълим вазири Саидхор Фудомов ҳамда Миллий олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзи-ев томонидан умумжамоа галабасига қўшган улкан ҳиссаси учун Наманган давлат университети талабаларига берилди.

Тақдирлаш маросимида, шунингдек, кўпгина рағбатлантирувчи муқофотлар ҳам ўз эгаларини топди. Қорақалпоғистон Республикасида ташриф буюрган волейболчи йигитлар "Фа-

Хайр, Бухоро! Салом, Самарқанд!


лабага интилишдаги шижоати учун" соврини билан тақдирланган бўлса,



хоразмлик ёшлар "Энг ақил жамоа" номига ва махсус совғага сазовар бўлишди. "Усинга эришгани учун" ва "Энг кўп галабани қўлга киритгани учун". Айнан мана шундай номинациялар билан аталган совринлар Тошкент вилояти Аграр университети ҳамда Фарғоналик талабаларга лойиқ қўрилди.

Ловуллаб турган машғала аста сўнди. Универсиада байроғи туширилди, Самарқанд вилояти талаба-

ларига топширилди. Иштирокчилар эса Ватан байроғи остида бирлашдилар. Ўз тендошларини самимий қутладилар. Албатта, ҳеч қандай байрам куй-қўшиқсиз ўтмайди. Шунинг учун ҳам навбат ашула-ю рақсга теги. Мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари яшил майдонда



Ўз истеъдодини намойиш этишди. Талабалар ўйнади. Мураббийлар ўйнади.

Шу ўринда савол туғилди. Инсон қачон ўйнайди? Қачонки, нимадандир қувонса, нимадандир

кўнгли тўлса, қандайдир рағбат ва гамхўрликдан мамнунлик сезса. Юсак меҳр ва эътиборни ҳис қилса. Бугун ёш қари ўйнапти. Демак, улуг ни-ятлар билан ўтказилган байрам қайсидир маънода уларни хушнуд қила билган. Сеҳрли қалбнинг но-зик торларини черта олган.



Кўнглидан чиққан туғён эса бир умр эса қолиши шубҳасиз. Уйинлар машғаласи сўнди делик. Аммо бир ҳафта давомида Бухоро узра порлаб турган кўёш алангаси ёшлар қалбид

ёниб турибди. Ёшларки, кучли тўлқин мисол ҳаракатга келади. Ниҳоҳлари, сўзлари қатъий. Таассуротлари бир олам. Бири тарихий обидаларни зиёрат қилганини сўзласа, бошқаси яратилган шайтон, мусо-бақа савиясидан кўнгли тўлганини айтади. Учин-чилари дўстлар орттирган-дан, кўнглилар учра-шуларда яйраганидан мамнун. Муҳими, улар мустақил фикрга эга. Бун-дай ёшлардан эса эрта қатта ишларни кутиш мумкин.

Яна бир гап: қайта чи-роғ очган Бухоронинг, истиқлолнинг 11 йилли-гига пешвоз чиқётган азим юртнинг, ёшлар ка-молини ўз келажаги деб билган Ватаннинг усти-дан исирик тутатиш ке-рак. Ахир Фарғонадаги қатта байрамдан сўнг ора-дан бир ой ҳам ўтмасдан яна тўй қилдик. Уни дўсту душман баъзан ҳавас, баъзан ҳасад билан кўриб турибди. Хуллас, ёмон кўздан асрасин.

"Универсиада-2002" ниҳоятга етди. Лекин юртнинг эзгу мақсадлар сари далай ташланган чак-ноқ қадамдан дарак бер-ган ёшлар байрами ҳақиқати мулоҳазалар, та-ассуротлар ҳали давом этади.

Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси. Бухоро-Тошкент. Хотамжон МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

ҲИҚМАТ

Бўлмагил ҳаргиз ёмоннинг ўртоғи, Йўқ эса тушгай бошингга ҳам тоғи.

Advertisement for Petrol Service K.K. featuring images of cars and text: «GAZ» ОАЖ ва «VAZ» АЖ расмий импортёри «Petrol Service» КК. Автомобилларнинг таклиф этади. Миллий Пуштон к. 59. Тел.: 137-13-43, 127-99-62, 180-33-05.

Advertisement for SAVOL BIZDAN... featuring text: Дунёда олинмаган зумраднинг ярмини берадиган мамлакатнинг номи айтинг. 136-35-60. Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Италия термасида легионерлар йўқ, Ирландия таркибид

Advertisement for «ХАЛҚАРО ТЕЗКОР ПОЧТА» ОТАЖ. (Ўзбекистоннинг халқаро экспресс почтаси). ТОШКЕНТ, НАМАНГАН, АНДИЖОН, ФАРҒОНА, ГУЛИСТОН, ЖИЗЗАХ, САМАРҚАНД, ҚАРШИ, ТЕРМИЗ, НАВОИЙ, БУХОРО, УРГАНЧ, НУКУС, ЯНГИЙЎЛ, БЕКОБОД, ОЛМАЛИК, ОҲАНГАРОН, ЧИРЧИК, АНГРЕН. Шаҳарларида аҳоли ва ташкилотлардан халқаро экспресс почтани қабул қилиб, чет элга ва Ўзбекистон Республикаси бўйлаб юбориш бўйича хусусий тадбиркорларни шартнома тузишга таклиф этади.

Advertisement for QUICK STOP PAPER MILL. «QUICK STOP PAPER MILL» «НАМБУМ» ЛТД. ҚК. юқори сифатли ксерокс ва офсет қоғози ишлаб чиқаради ва сотади. Ҳар бир боғламда 500 варақдан бўлган А-3, А-4 ўлчамли, зичлиги 80 гр./м² қоғозлар: А-3 — 8400 сўм, А-4 — 4200 сўм.

Advertisement for KAMAZ. ВЫБИРАЙТЕ ПОСТОЯННОГО и НАДЕЖНОГО ПАРТНЕРА! АВТОМОБИЛИ. ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИЛЕР. ТОЛЬКО У НАС ВАГОННЫЕ ПОСТАВКИ и ВСЕГДА в НАЛИЧИИ на СКЛАДЕ НОВЫЕ, РАСТАМОВЖЕННЫЕ, ЛЮБОВОЙ МОДИФИКАЦИИ и КОМПЛЕКТАЦИИ. СПЕЦАВТОТЕХНИКА ДЛЯ НЕФТЯНЫХ, СТРОИТЕЛЬНЫХ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ и ДРУГИХ ПРОМЫСЛОВ на БАЗЕ КАМАЗ, АВТОБУСЫ КАМАЗ. Т.: (3712) 50-0376, 50-1676 т./ф. 50-8795.

Advertisement for ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУАККИ ҚЎМИТАСИ. БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ. куйидаги соҳалар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади: 08.00.03 — макроқўтисодоёт; 08.00.04 — микроқўтисодоёт.

Advertisement for NBUBIZNESINGIZ UCHUN YENI IMKONIYATLAR. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ. кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириб, АҚШ экспорт-импорт банкининг кредит йўналиши доирасида Америка компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларини яратади. Янги технологиялар ва ускуналарни харид қилиш, АҚШ компаниялари билан имзоланган шартномалар бўйича хизматлар кўрсатиш учун 5 млн. АҚШ долларигача бўлган миқдорда кредитлар берилади.

Advertisement for Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раҳбарияти ва жамоаси бўлими бошлиғи, профессор Раъно Сайфуллаевага волидан муҳтарамаси ФАРОҲАТ аянинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Advertisement for «ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО». МУАССИЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ, М. ЕГОРОВ, М. МИРАЛИМОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ, Ҳ. ХОШИМОВ.

Advertisement for БЎЛИМЛАР: Иқтисодий-саноатий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92. Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65. Маънавий ва маърифат — 136-35-60; Газетчилик билан алоқа ва минақалар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соҳилчи саноати ва халқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Advertisement for Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 477, 36516 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Advertisement for Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди. Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁЕВ. Навбатчи — С. ДОНИЕВОВ. Мусахҳх — М. СУЛАЙМОНОВА. Манзиллимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 21.00. 1 2 3 4 5 6